



## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ДЕТСЕНОН

**Препаратнинг савдо номи:** Детсенон

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** этамзилат

**Дори шакли:** инъекция учун эритма.

**Таркиби:**

Бир ампула қуйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* этамзилат – 250 мг;

*ёрдамчи моддалар:* натрий метабисульфити, натрий гидрокарбонати, инъекция учун сув  
2 мл гача.

**Таърифи:** тиниқ, рангсиз ёки бир оз сарғиш тусли эритма.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Гемостатик

**АТХ коди:** B02BX01

### **Фармакологик хусусиятлари.**

Этамзилат қон кетишини олдини олиш ва тўхтатиш учун воситадир. Бу гемостаз механизмининг биринчи босқичига (эндотелий ва тромбоцитлар ўртасидаги ўзаро таъсир) таъсир қилади. Этамзилат тромбоцитларнинг адгезивлигини кучайтиради, капилляр деворларнинг қаршилигини нормаллаштиради ва шу билан уларнинг ўтказувчанлигини пасайтиради, простагландин биосинтезини ингибиция қилади, бу тромбоцитларнинг дезагрегациясига, вазодилатацияга ва капиллярларнинг ўтказувчанлигини оширади. Натижада қон кетиш вақти сезиларли даражада камаяди, қон йўқотиш камаяди.

### **Фармакокинетикаси**

Препаратни вена ичига юборилгандан кейин, гемостатик самара 5-15 минутдан кейин кузатилади, максимал даражага 1 соат давомида эришилади. Препарат 4-6 соат давомида самарали, шундан кейин самара аста-секин йўқолади. Этамзилатни 500 мг дозада вена ичига юборилгандан кейин, қон плазмасида энг юқори даража 10 минутдан кейин эришилади ва 50 мкг/мл ни ташкил қилади.

Юборилган дозанинг тахминан 72% биринчи 24 соат давомида сийдик билан ўзгармаган ҳолда чиқарилади. Қон плазмасидан этамзилатнинг ярим чиқарилиш даври тахминан 2 соатни ташкил қилади. Этамзилат йўлдош тўсиғидан ўтади. Қўкрак сутига ўташи номаълум. Буйрак ва/ёки жигар функциясини бузилиши бўлган пациентларда этамзилат фармакокинетикаси ўзгартириши номаълум.

### **Қўлланилиши**

Турли хил этиологияларнинг капилляр қон кетиши, айниқса қон кетиш эндотелиал шикастланиши билан боғлиқ:

- отоларингология, гинекология, акушерлик, урология, стоматология, офталмология ва пластик жарроҳлик операцияларида ва ундан кейин қон кетишининг олдини олиш ва даволаш;

- турли хил этиологиялар ва локализациянинг капилляр қон кетишини олдини олиш ва даволаш: гематурия, бирламчи гиперменорея, бачадон ичи ҳомилага бўлишга қарши контрацептивлари бўлган аёллар, бурундан қон кетиш, милқдан қон кетиш;

- неонатология: эрта туғилган чакалоқларда перивентрикуляр қон кетишининг олдини олишда қўлланилади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Препарат вена ичига (аста-секин) ёки мушак ичига қўлланилади. Катталар учун энг мақбул суткалик доза 3-4 марта юбориладиган дозада 10-20 мг/кг тана вазнига тенг. Кўпчилик ҳолатларда суткада 3-4 марта 1-2 ампуланинг ичидаги буюрилади. Болалар учун суткалик доза катталар учун дозанинг ярмини ташкил қилади.

Жаррохлик аралашувлардан олдин 1-2 ампуланинг ичидаги вена ичига ёки мушак ичига юборилади. Операция давомида 1-2 ампуланинг ичидаги вена ичига юборилади; ушбу дозани юборишни такрорланиши мумкин. Операциядан кейин ҳар 6 соатда 1-2 ампуланинг ичидаги қон кетиш хавфи йўқолгунга қадар юборилади.

Неонатологияда этамзилат мушак ичига ёки вена ичига тана вазнига 12,5 мг/кг дозада (0,1 мл = 12,5 мг) юборилади. Даволаш туғилишдан кейинги дастлабки 2 соат ичида бошланиши керак. Препарат ҳар 6 соатда 4 кун давомида биргаликдаги 200 мг/кг дозада юборилади.

Этамзилатни намланган стерил дока мато ёрдамида маҳаллий қўлланиши мумкин (терини трансплантанти, тишни олиб ташлаш).

### **Ножўя таъсирлари**

*Нерв тизими томонидан:* кам ҳолларда - бош оғриғи, бош айланиши, юзга қуйилиш, оёқлар парестезияси.

*Юрак-қон томир тизими томонидан:* жуда кам ҳолларда - тромбоземболия, артериал гипотензия.

*Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан:* кўнгил айнаши, қусиш, эпигастрал оғрик, диарея.

*Иммун тизими томонидан:* кам ҳолларда - аллергик реакциялар, тана ҳароратини ошиши, терида тошмалар, анафилактик шок, ангионевротик шиш ҳолати таърифланган.

*Нафас тизими томонидан:* бронхоспазм.

*Эндокрин тизими томонидан:* жуда кам ҳолларда - ўткир порфирия.

*Суюқ-мушаклар тизими томонидан:* кам ҳолларда - бел оғриғи.

*Тери томонидан:* кичишиш, эшакеми.

*Бошқалар:* бир мунча вақт ўтгач мустақил равишда тикланадиган тўқима перфузиясининг пасайиши.

Даволашни тўхтатгандан кейин бу реакциялар қайтарилувчи.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Этамзилатга ёки препаратнинг ҳар қандай бошқа таркибий компонентга юқори сезувчанлик; натрий сулфитга ўта юқори сезувчанлик. Бронхиал астма, ўткир порфирия, қон ивишининг ошиши, геморрагияда қўллаш мумкин эмас.

### **Бошқа дори воситалари билан таъсирлашуви**

Агар Этамзилат физиологик эритма билан аралаштирилган бўлса, уни дарҳол қўллаш керак.

Инъекция учун эритма натрий бикарбонат ёки лактат сақловчи эритмалар билан номутаносиб. Детсенон эритмаси бир шприцда бошқа дорилар билан аралаштириш мумкин эмас. Аминокапрон кислотаси, викасол билан бирга қўшилишига йўл қўйилади.

### **Махсус кўрсатмалар**

Олдиндан тромбоз ёки тромбоземболия бўлган пациентларда, шунингдек антикоагулянт воситалари чақирган геморрагияларда эҳтиёткорлик билан қўлланилади.

Антикоагулянтларнинг дозаси ошириб юборилиши билан боғлиқ геморрагик асоратларда махсус антидотларни қўллаш керак.

Тромбоцитлар сони камайганда препарат самарасиз.

Даволашни бошлашдан олдин қон кетишининг бошқа сабабларини истисно қилиш керак.

Қон ивиш тизимининг кўрсаткичлари бузилиши бўлган пациентларни этамзилат билан даволаш қоннинг ивиш омилларининг аниқланган ёки етишмовчилигини бартараф этувчи дориларни юборилиш билан тўлдирилиши керак.

Инъекцион эритманинг ранги ўзгарганда препаратни қўллаш тақиқланади.

*Ҳомиладорлик ва лактация даври*

Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида қўлланмайди.

Этамзилат билан даволаш вақтида эмизишни тўхтатиш керак.

*Автотранспортни ёки бошқа механизмлар билан ишлашда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти.*

Этамзилат билан даволаниш вақтида автотранспорт бошқаришда ёки бошқа механизмлар билан ишлашда эҳтиёткорликка риоя қилиш керак, чунки бош айланиши пайдо бўлиши мумкин.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Этамзилат дозани ошириб юборилиши ҳолатлари бўйича маълумотлар йўқ.

### **Чиқарилиш шакли.**

250 мг/2 мл концентрацияли эритма 2мл дан ампулаларда. 5 та ампула контур уяли ўрамга жойлантирилган. Битта, иккита, бешта. ўнта ёки йигирмата контур ўрам қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойлаштирилади.

### **Сақлаш шароити.**

Оригинал ўрамда, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25<sup>0</sup>С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати.**

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

### **Дорихоналардан бериш тартиби.**

Рецепт бўйича.

### **Ишлаб чиқарувчи ва дори воситасининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили.**

«UZGERMED PHARM» МЧЖ ҚК, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Юқори-Чирчиқ тум. Борданкўл ҚФЙ.

Тел.: (8370) 202-60-06, факс: (8370) 983-62-62,

Электрон почта: [info@ugp.uz](mailto:info@ugp.uz), веб-сайт: [www.ugp.uz](http://www.ugp.uz)